

---

## Акбаробод маҳалласида янги корхона иш бошлади

Худудларда Муҳтарам Президентимиз томонидан яратиб берилган тизим асосида иш олиб бораётган ҳоким ёрдамчилари фаолияти қисқа муддатларда ўз самарасини бермоқда.

Тадбиркорлар ва аҳоли муаммолари ўрганилиб уларни бартараф этиш, ижобий ҳал этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда

Хусусан туман ҳокими раҳбарлигидаги 1-сектор ҳудуда жойлашган Акбаробод маҳалла фуқаролар йиғинида “ABS Textile company” МЧЖнинг Акбаробод филиали фаолият бошлади.

Худуддаги ҳоким ёрдамчилари ва тадбиркорнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида Акбаробод ва Кандабулоқ маҳаллаларининг 20 нафар хотин-қизлари бандлиги таъминланди.

Албатта амалга оширилаётган бундай ислоҳотлардан ҳудуд аҳолиси бирдек мамнун. Жойларда бундай ислоҳотлар давом этмоқда.

2022-08-09 09:11:43